

II. ТЕХНИК ТОПШИРИК

Карши туман тиббиёт бирлашмасида тўрт маҳал овқат тайёрлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизматини харид қилиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

| | |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.03.1993 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида шифобахш овқатланишни ташкил қилиш тўғрисида”ги 122-сонли ва 20.02.2008 йилдаги № 74-сонли буйруқларига қатъий риоя этиши лозим. |
| 2 | Тиббиёт марказида Аутсорсинг усулида уч маҳал беморларни овқат билан таъминлаш ССВнинг 122-сонли буйруғида белгиланган тартиблар ва қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. |
| 3 | Аутсорсер беморларга овқат тайёрлаш хизматларини кўрсатишда, таомнома тайёрлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлатишда ва таомлар тайёрлашда тиббиёт маркази учун маҳсус ишлаб чиқилган 19.03.1993 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида шифобахш овқатланишни ташкил қилиш тўғрисида”ги 122-сонли буйруғига қатъий риоя этиши лозим. |
| 4 | Аутсорсер аутсорсинг усулида овқат тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатишни сифатли ташкил этишда қуйида кўрсатилган қонунчиликдаги белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган тартиб ва қоидаларига; Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2015 йилдаги ЎРҚ-393-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунига; Ўзбекистон Республикасининг 30 август 1997 йилдаги ЎРҚ-483-1-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига; Ўзбекистон Республикасининг 24 апрель 1996 йилдаги ЎРҚ-221-1-сонли «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига. |
| 5 | Иштирокчилар овқат тайёрлаш хизматини ташкил этиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат учун ишлаб чиқилган 10 кунлик намунавий Таомнома режасини (5-илова) Буюрмачига тақдим этишлари лозим. |
| 6 | Аутсорсер харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигига, ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилинишига, ошпазларнинг ҳар икки йилда бир марта малака оширишига, белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилишига шахсан масъул ҳисобланади. |
| 7 | Аутсорсерга тиббиёт марказининг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелидан фойдаланганлик учун ижара тўлови “ноль” ставка бўйича белгиланади, ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати тиббиёт марказига ажратилган лимит ва Давлат бюджети маблағлари доирасида аутсорсер томонидан қопланади. Ижара асосида топширилган ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, ходимлар иш ҳақи, ошхона жиҳозлари, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади. |

| | |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 8 | Аутсорсер тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислари (муҳандис-технолог, диетолог, гастроэнтеролог, аллерголог, терапевт врач, ошпазлар) мавжуд бўлиши лозим. |
| 9 | Хизматлар кўрсатиш муддати – бир календар 1-ойлиги (31 кун). |
| 10 | Тиббиёт марказида таомнома режасини тузиш учун тиббиёт маркази аутсорсерга бир кун олдин соат 16:00 гача бир кун олдинги беморлар сонига нисбатан буюртма такдим қилинади. |
| 11 | Иштирокчилар ўз таклифларини такдим этишдан аввал тиббиёт маркази ошхонаси ва ундаги жихозларни келиб кўриб, танишиб кетишлари мумкин. |
| 12 | Аутсорсер томонидан тайёрлаб берилётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага мувофиқлиги тиббиёт маркази раҳбари, врач диетолог, пархез хамшира ҳамда бошқа масъул ходимлардан иборат (зарур ҳолларда, бемор ёки бемор яқинлари кўшилиши мумкин) комиссия томонидан назорат қилинади ва назорат якунлари тиббиёт бирлашманинг тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича юритиладиган махсус дафтарда ҳар куни қайд қилиб борилади. |

Карши туман тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи



M. Mirsaidova
М.Мирсаидова

Аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизмати кўрсатиладиган муассаса ҳақида маълумот

| Лот т/р | Хизмат кўрсатиладиган муассасанинг номи | Манзили | Жами ўринлар сони* | Овқатланиш маҳали |
|------------|-----------------------------------------|---------------------------------------------------------|--------------------------|--------------------------------------------------------------|
| | | | | 4 маҳал (нонўшга, тушлик 1-2 овқат, пешинлик ва кечки) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Карши туман тиббиет бирлашмаси | Карши туман Бешкент шаҳри С.Насафий кучаси 99 уй. | | |

*Изоҳ: даволанаётган беморлар сони ўзгариши мумкин.